

## ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАРДА ПРОКУРАТУРА ОРГАНЛАРИНИНГ ҚОНУН ИЖОДКОРЛИГИ ФАОЛИЯТИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

**Лазизбек Мадумаров**

*Олтинкўл тумани прокурорининг катта ёрдамчиси, адлия кичик  
маслаҳатчиси*

Дунёда сўнгги йилларда хуқуқ ижодкорлиги жараёнида хуқуқни муҳофаза қилиш ва прокурор назорати фаолияти натижаларининг таъсири тобора кучайиб бормоқда. Хусусан, ҳозирги вақтда айrim хорижий мамлакатлар прокуратура органларига қонунчилик ташаббуси хуқуқи берилган бўлиб, биргина МДҲ давлатларида прокуратура органлари ташаббуси билан 200 дан ортиқ норматив-хуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган. Хорижий мамлакатларда хуқуқни қўллаш жараёнида аниқланган муаммоларни бартараф этиш воситаси сифатида прокуратура органлари хуқуқ ижодкорлиги фаолиятига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу сабабли, прокуратура органлари хуқуқ ижодкорлиги фаолиятининг ташкилий-хуқуқий асосларини такомиллаштириш ҳамда ушбу жараёнга хуқуқ ижодкорлигининг замонавий механизmlарини жорий этиш долзарб ҳисобланади.

Янги Ўзбекистонни барпо этишнинг дастлабки босқичида прокуратура органларининг қонун ижодкорлиги функцияси кескин кучайганлигига қаратилади. Хусусан, Ҳаракатлар стратегиясини амалга ошириш бўйича 2017–2021 йилларда қабул қилинган давлат дастурларида Ўзбекистон Республикаси Боз прокуратураси зиммасига 52 та (2017 йилда – 21 та, 2018 йилда – 20 та, 2019 йилда – 3 та, 2020 йилда – 6 та ҳамда 2021 йилда – 2 та) муҳим ва долзарб норматив-хуқуқий ҳужжатни бевосита ишлаб чиқиш ҳамда 139 та (2017 йилда – 39 та, 2018 йилда – 39 та, 2019 йилда – 36 та, 2020 йилда – 15 та ҳамда 2021 йилда – 10 та) норматив-хуқуқий ҳужжат лойиҳасини тайёрлашда иштирок этиш вазифаси юклатилган.

Янги таҳрирдаги “Прокуратура тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига кўра, прокуратура органлари фаолиятининг асосий йўналишлари сифатида қонун ижодкорлиги фаолиятида ҳамда жамиятда хуқуқий маданиятни юксалтириш ишида иштирок этиш белгиланган.

Хорижий прокуратура органларининг хуқуқ ижодкорлиги фаолиятида иштирок этишнинг бир қатор шаклларини асослаб беради. Хусусан, норматив-хуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш, бекор қилиш ва қабул қилиш бўйича таклифлар киритиш, ижтимоий муносабатларини

---

хуқуқий тартибга солиш зарурлигини аниқлаш (Латвия), қонун лойиҳаларини мустақил равишида ишлаб чиқиши ва парламентга тақдим этиш (Куба, Перу, Вьетнам), бошқа давлат органлари томонидан норматив-хуқуқий хужжатларни ишлаб чиқишида иштирок этиш (Корея, Аргентина, Грузия), ишлаб чиқилаётган норматив-хуқуқий хужжатларга хуқуқий баҳо бериш (АҚШ, Польша), бошқа давлат органлариға маслаҳатлар бериш (АҚШ, Исройл, Эрон) каби шакллар белгиланган.

Хорижий мамлакатларда прокуратура органларининг хуқуқ ижодкорлиги жараёнидаги иштирокининг таҳлили асосида қўйидаги хулосаларга келинади:

*биринчидан*, прокуратура органларининг хуқуқ ижодкорлиги, шу жумладан қонун ижодкорлиги фаолиятида иштирок этиши прокуратуранинг асосий вазифаси ҳисобланмайди (Ўзбекистон Республикасида ушбу масала “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуннинг 4-моддасига асосан прокуратура органлари фаолиятининг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади) ҳамда ушбу вазифа унчалик қўп бўлмаган давлатларнинг конституцияларда, прокуратура тўғрисидаги қонунларда ва бошқа норматив-хуқуқий хужжатларда мустаҳкамланган;

*иккинчидан*, дунёнинг аксарият давлатларида замонавий шароитларда прокуратура органлари ўзининг асосий функциялари билан бирга қўшимча функцияларни ҳам амалга оширади;

*учинчидан*, ижобий хорижий тажриба сифатида Бош прокуратуранинг Олий Мажлисдаги Ваколатли вакили лавозимини жорий этиш таклиф этилади; тўртинчидан, Бош прокурорнинг Олий Мажлис Сенатидаги ҳисботида прокурор назоратини амалга ошириш давомида аниқланган қонунчиликдаги бўшлиқлар ва қарама-қаршиликлар тўғрисида маълумот киритишини, шунингдек, қонун ости норматив-хуқуқий хужжатлардаги бўшлиқлар ва қарама-қаршиликлар тўғрисида ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Президентига ахборот киритиб бориш механизмини назарда тутиш.